

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70712501 – Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари  
(иҳтисослаштирилган транспорт воситалари)  
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ  
Буйруқ № 365  
25 08 2021 йил

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт универститети.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

т/р		бет
1.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислигининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши</i> .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	5
1.2.3.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумот.....	8
	Келишув вараги.....	9

**1. 70712501 – Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари  
(иҳтисослаштирилган транспорт воситалари) магистратура  
мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (иҳтисослаштирилган транспорт воситалари)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Кўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (иҳтисослаштирилган транспорт воситалари) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **70712501–Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (иҳтисослаштирилган транспорт воситалари)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколати доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотига ўқишига кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70712501–Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (иҳтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 70712501–Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (иҳтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**70712501 – Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (иҳтисослаштирилган транспорт воситалари)** – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида транспорт хавфизлигини ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек, автотранспорт соҳасини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усувлари ва услубарининг

мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 70712501-Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказларда ҳамда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ва жараёнлар;
- автотранспорт корхоналарининг ривожланиш стратегиясини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими;
- давлат, шахс ҳамда хўжалик субъектларининг транспорт сифати ва барқарорлигини таъминлаш, автотранспорт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмаларида бошқарув жараёнлари;
- автотранспорт соҳаси, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, коорпорациялар, концерн, фирма, компания, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида транспорт сифати ва барқарорлигини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- автотранспорт соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий тахлил, маоделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

**1.2.3. 70712501-Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш фаолияти;
- хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 70712501-Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70712501-Ерусти транспорт воситалари ва тизимлар (ихтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини тахлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalalar, risola, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва тахrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шархларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларининг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

– ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

– электрон (e-learning), мобил (m-learning) масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

– педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

– ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиши режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

– хўжалик юритувчи субъектнинг автотранспорт фаолиятини режалаштириш, телематика тизимларини жорий қилиш, техник ҳолатни баҳолаш, ҳисоб-китоб ва тахлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, хуқуқий ҳамда меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан ишлаш;

– конструкторлик ва лойиҳа хужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, автотранспорт соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиrolарнинг самарадорлигини аниқлаш;

– қабул қилинадиган қарорларни техник ва иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

– автотранспорт воситаларининг конструкциясини баҳолаш учун зарур бўладиган хужжатларни тўплаш, синов натижалари бўйича ҳисботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

– машинасозлик ва автотранспорт бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, инсон ва техника ресурсларидан самарали фойдаланиш, самарадорликни ва сифатни таъминлаш фаолиятларини амалга ошириш;

– лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича ишончли математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

**2. 70712501 – Ерусти транспорт воситалари ва тизимлари  
(иҳтисослаштирилган транспорт воситалари) мутахассислиги бўйича  
магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, автотранспорт муаммолари ва иш жараёнларини мустақил тахлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолиятида замонавий илмий асосда фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва тахлил қилиш, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнимларига эга бўлиш;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи ҳавфи ва таҳдидларини англаш, ахборот ҳавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиш;

- дастурлаш/роботсозлик техникаси/сунъий интеллект услублари ва технологияларини билиш;

- эҳтиёткорона ишлаб чиқариш, экологик фикр юритиш, иш берувчи ва харидорлар диққатини жамлай олиш малакаларига эга бўлиш.

## **2.2. Қасбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиш;

- машинасозлик ва автотранспорт соҳалари бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий, экологик, энергетик ва меҳнат ҳавфсизлик тамойилларини қўллай билиш;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича ишончли математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиш;

- лойиҳаларнинг техник-иктисодий самарадорлигини баҳолаш, автотранспорт соҳасида техник ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- ихтисослаштирилган транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиш;

- ихтисослаштирилган транспорт воситаларидан фойдаланишда техник, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ҳамда ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг техник-иктисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- ихтисослаштирилган транспорт воситаларини лойиҳалашда, улардан самарали фойдаланишда таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

- замонавий транспорт мониторинг тизимларининг ишлаш тамойилларини билиш, автомобиль транспортида телематика тизимларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- меъёрий-хукукий ҳужжатларни техник экспертизадан ўтказишни билиш.

## **Библиографик мәлумоттар**

УДК: 002:651.1/7

Гурұх Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сүзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва t-learning технологиялари, техник-иктисодий жараёнлар, самарадорлик, автотранспорт соҳаси, ихтинослаштирилган транспорт воситалари, хуқук-тартибот, экспертиза, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, транспорт барқарорлиги, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот усуллари, ахборот ва замонавий педагогик технологиилар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, телематика тизимлари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов  
» 202 йил »



### КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов  
» 202 йил »

М.ў.

Директор в.б.  М.Эсанов  
» 202 йил »


М.ў.

“Ўзвоттранстехника” илмий ишлаб  
чиқариш маркази

И.Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Бош директор  
ўринбосари  Ш.Эрбеков  
» 202 йил »



Ректор  С.Турабджанов  
» 202 йил »

М.ў.

